

КИШЛОК ХАКИКАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

1990 йил 8 декабрь
ШАНБА
№ 280 (5.073).



ТОШКЕНТ. 1990 йил 7 декабрь. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи.

В. МОЛГАЧЕВ («Совет Узбекистана») ва Л. ГУСЕЙНОВ («Правда Востока») олган сурат.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи тўғрисида АХБОРОТ

7 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи иш бошлади. Съезд мажлисини КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов очди.

Делегатлар съезд ишнинг биринчи босқичида сайланган унинг раҳбар органлари ваколатларини тасдиқладилар ва раёсат тарихига қўшимчалар киритдилар.

Съезд иккинчи босқичининг кун тартибни тасдиқлади:

1. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгилашши, иқтисодий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастури тўғрисида.

2. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави ҳақида. Кун тартибига киритилиб тасдиқланган масалалар юзасидан КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Музокараларда Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов, Қорақалпоғистон МСЖ

Қораўзак райондаги «Маданият» давлат ҳўжалигининг ижрачиси З. Пирназаров, Сибсатшўнослик ва бошқарува илмгоҳининг ректори М. И. Искандаров ўртоқлар сўзга чиқдилар. Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини тайёрлаш учун Марказий Қўмитанинг II пленумида тўзилган ишчи комиссияларга Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг комиссиялари мақомини беришни ёқлаб овоз бердилар.

Музокаралар давом эттирилди. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводининг ишчиси А. Г. Шабанова, Қашқадарё вилояти Ҳўзор райондаги «Партия XXII съезди» жамоа ҳўжалигининг бригада бошлиғи С. Х. Муродова, Ўзбекистон ССЖ касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов, Хоразм вилояти Бўғот райондаги «Бўғот» давлат ҳўжалигининг бригада бошлиғи К. Олпоберганов, Андижон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби

К. Холмйрзаев, «Саодат» ойнамасининг бош муҳаррири Х. Худойбердиева, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, Самарқанд трикотаж фабрикасининг бичқичиси Н. Е. Великина, Тошкент кишлоқ ҳўжалиғи илмгоҳининг ректори Э. Т. Шайхон, Наманган вилояти Учқўрғон район партия қўмитасининг биринчи котиби К. Рахмонов, Бўхоро вилояти Зарафшон шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби О. Э. Вентланд, Сурхондарё вилояти «Термиз» станцияси локомотив депосининг машинисти В. Х. Солиев, Сирдарё район партия қўмитасининг биринчи котиби М. А. Ибодуллоев, Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта маъсуе таълим вазирлиги Ш. О. Алпматов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг кафедре мудири Л. Қаюмов, Бўхоро вилояти Навбаҳор райондаги У. Юсупов номли мактаб директори А. С. Шодиев, Фарғона вилояти Ленинград райондаги Энгельс номли жамоа ҳўжалигининг бригада

бошлиғи А. С. Абдуллаев, Жиззах вилояти Бахмал райондаги 1-ўрта мактаб муаллими Н. Мухторова, Андижон шаҳридаги 162-қурилиш трести 5-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Н. Хотамов, Тошкент учувчилар комплексининг бортинженери Р. А. Сафоев, Самарқанд райондаги «ССЖИ 50 йиллиги» давлат ҳўжалиғи паркомининг котиби Д. Орзуев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов Наманган шаҳрида содир бўлган воқеалар тўғрисида делегатларга ахборот берди.

Съезде КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби ўртоқ Г. И. Янаев нутқ сўзлади.

Шу билан съезд иккинчи босқичининг биринчи кун иши тугади. Тайёргарлик комиссиялари Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини юзасидан делегатлар айтган мулоҳаза ва таълиқларини кўриб чиқиб, умумлаштиришга киришдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг аъзоси Г. Тургунова, КПСС Марказий Қўмитаси Ташкилий бўлими секторининг мудири Н. И. Семёнов қатнашмоқдалар.

Съезд ўз ишнин давом эттирмоқда.

ЖУМҲУРИЯТДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИ)ГА МАЪРУЗАСИ

Хурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг биринчи босқичи тугатганидан бери аям йил ўтган бўлса ҳам бугун шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, съезд берган баҳоларнинг, кўпчиликл бўлиб ишлаб чиқилган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳаёт умумия тасдиқлапти.

Съезд Ўзбекистоннинг партия ташкилотини жипслаштирди, унинг ишига яна ҳам жўшқинлик бағишлади. Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий аҳолини нормаллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Одамлар анча осойишта, бир-бирига нисбатан сабр-тоқатли бўлиб қолдилар, келажакка ишонч тикланмоқда.

Демократия билан анархия ва ўзбошимчилик чиқиша олмаслигини, ошқоралик билан митингбозлик ва экстремизм, хилма-хил фикрлаш билан иттиҳомсизлик ва тартибсизлик бир-бирига тўғри келмаслигини жамоатчилик тобора кўпроқ англаб етмоқда.

Жамиятининг барча соғлом кучларини жипслаштиришга қаратилган қатъий сиёсат олиб борилмоқда, жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий суверенитетига эришиш борасида, съездининг конкрет йўл-йўриқларини амалга ошириш, ташкилий-структураларнинг мустақиллигини, бошқарувиинг барча тоғоналарида иттиҳом ва тартибни мустаҳкамлаш йўлида биринчи қадамлар қўйилди.

Президент ва ҳукумат, маҳаллий Кенгашлар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ноқур қисмини қўллаб-қувватлаб кўрган чора-тадбирлар аҳолини барқарорлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Гап аввало ветеранлар ва ногиронларга, кўп болали оналарга, ўқитувчилар, студентларга берилган ёдам тўғрисида борапти. Жумҳурий аҳолисига ер бериш, чорва моллар ва ем-хашак билан таъминлашда, етиштирилган маҳсулотларини сотишда уларга ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ўз вақтида бўлганлиги ва жуда муҳимлигини ҳаёт кўрсатди.

Мана шу ва бошқа чоралар тўғрисида жумҳурият халқ ҳўжалигининг барқарор ишлашига замин тайёрлаб берилди. Кўпгина минтақалар ва умуман мамлакатда нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўсиши сақланиб қолмоқда.

Йилнинг ўтган даврида ҳосил қилинган миллий даромад 2,5 фоиз кўпайди, Саноат маҳсулоти етиштириш 2,2 фоиз ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш анча — 7,2 фоиз, уй-жой қурилиши эса 19 фоиз кўпайиши кўтилмоқда.

Кишлоқ ҳўжалиғи меҳнаткашлари деярли барча экинлардан яхши ҳосил етиштирдилар. 5 миллион тоннадан зиёд — планадан 225 минг тонна кўп пахта ҳар қачонгидан кўра тез тайёрланди. Бу — жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг, биринчи навбатда эса деҳқонларимизнинг муҳим сиёсий ғалабаси бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб меҳнаткаш халқимизга, кишлоқ ҳўжалиғи соҳасида ишлайдиганларга, аввалламбор пахтакорларимизга фидокорона меҳнатлари учун яна, яна миннатдорчилик ва раҳматлар айтишга рухсат бергайсизлар.

Қайта қуришнинг мана шу нишонларида бошланғич партия ташкилотлари, Ўзбекистондаги барча коммунистлар хизматининг уюштирувчи ва сафарбар қилувчи аҳамияти оз эмас. Бу эса уларнинг обрў-эътибори ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Маърузачи—КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. КАРИМОВ

Хуллас, биз бугун шуни тўла асос билан айта оламизки, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг қарорлари жамиятни жипслаштириш ва ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, жамиятимизнинг ҳозирги етилган ва олдимизда турган вазифаларини ҳал қилишга амалий ҳисса қўшмоқда.

I.

Съездининг биринчи босқичида КПСС XXVIII съездида сайланган делегатларимиз партияимизнинг фаолиятига доир энг муҳим масалалар бўйича ўзларининг тўтган йўлларини белгилаб олдилар.

Уларга партиянинг бирлигини сақлаб қолиш, бўлинишга йўл қўймайлик, партия ва мамлакат тараққиётининг энг асосий муаммоларида бизнинг қарашларимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш тўғрисида нақаз берилган эди. Ўзбекистон коммунистлари делегацияси КПСС XXVIII съездининг ўз иши тўғрисида бугун ҳисобот бериб, у ўз олдида қўйилган асосий вазифаларни умуман уудалади деб, сизларга маълум қилишга барча асос бор, деб ўйлайман.

162 делегат ва тақлиф қилинган 10 кишининг ҳаммаси съездининг мажлислар залида, ишчи органларида, комиссиялари ва секцияларида фаол иштирок этди. Қабул қилинган кўпгина умумпартиявий ҳужжатларда уларнинг фаол позицияси ўз ифодасини топди.

Иттифокдош жумҳуриятлар Компартияларининг, шу жумладан Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллигига эришиш тўғрисидаги олдимизга қўйган мақсад делегатларимизнинг фаолиятида жуда катта ўрин олди. Экологик фалокат ҳолатига тушиб қолган Орол ва Оролбўйига доир позицияларимизни КПСС съездида жуда катта куч-ғайрат сарфлаб, қаттиқ туриб ҳимоя қилишимизга тўғри келди.

Пахта яккахоқимлигини тутатиш, бозор муносабатларига ўтиш чоғида бошланғич шарт-шароитларни тенглаштириш, Иттифок шартномасини ишлаб чиқишни тезлаштириш муаммолари қатъий қилиб қўйилди. Марказ билан тенг, адолатли иқтисодий муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги масалаларда делегациямиз эгалаган қатъий позиция ҳам ўз натижаларини берди, бу нарсга кишлоқ ҳў

жалик маҳсулотларининг ва аввало пахтанин асосли харида нархларида ўз ифодасини топди.

КПССнинг марказий органларида Ўзбекистон Компартияси муносиб равишда вакилилик қилишига муваффақ бўлиди. Ўзбекистон вакилларидан 19 киши Марказий Комитет аъзоси ва 12 киши Марказий назорат комиссиясининг аъзоси этиб, жами 31 киши сайланди. Сиёсий бюро, Секретариат ва Марказий назорат комиссияси Президиуми таркибига биттадан вакилимиз сайланди.

Шуни эслатиб ўтаманки, аввалги съездеда партиянинг Марказий органлари таркибига ҳаммаси бўлиб 13 киши сайланган эди, ҳисобот даври охирига келиб эса, Ўзбекистон Компартиясидан аттиг бир коммунист вакил бўлиб қолган эди.

Бу шундан далолат берадики, бизнинг тўтган йўлимиз билан Иттифокда ҳисоблашадиган бўлиб қолишди, жумҳурият партия ташкилотининг мамлакатдаги обрўси ошди.

Марказий Комитетнинг II пленумида КПСС XXVIII съездининг якунлари муҳокама қилинди. Ўзларингизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми XXVIII съездеда эришилган натижалар билан бир қаторда, жумҳурият партия анжуманида кўтариб чиқилган кўпгина принципиал масалаларга КПСС съезди аниқрашдан ва узиб-кесил жавобларни топиб бера олмаганлигини ҳам таъкидлади.

Қандай масалаларда биз КПСС съездининг қарорларидан қониқмай қолганлигимизни эслатиб ўтаман:

- миллатлараро муносабатлар муаммолари;
- Иттифок шартномаси масалалари;
- партия билан Советларнинг ўзаро ҳаракати;
- партиянинг турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ўзаро муносабатлари;

- ёшларга доир сиёсат;
- аёлларга ва уларнинг жамиятдаги аҳолига муносабат;

- бозорга ўтши муаммолари;
- маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, турмуш соҳаларини, одамларнинг турмушини таъминлаш билан борлиқ ҳамма соҳани ривожлантириш;
- партиянинг аграр сиёсатида Ўрта Осиё жумҳуриятла

рининг ўзига хос жиҳатлари ва манфаатларини ҳисобга олиш:

— Орол фалокати чуқурлашиб бораётганлигига, Қорақалпоғистон ва Оролбўйидаги бошқа минтақаларнинг аҳолида баҳо бериш ва шунингдек бошқа баъзи бир муҳим масалалар.

Марказий Комитет пленумида биз мана шу муаммолар тўғрисида гапирганимизда, шунчаки танқид қилишни назарда тутмаган эдик. Қолаверса, КПСС съезидан барча минтақалар учун ҳаммага маълум бўладиган универсал ечимларни қўтиш ҳам мумкин эмас эди.

Биз съездининг биринчи босқичида шундай ҳулосага келдикки, пировард натижада Компартиянинг ўзи ўз халқни олдида жавобгар бўлади ва барча принципиал муаммолар бўйича ўзининг йўлини мустақил белгилаб олиши керак.

Ҳудди шунинг учун Марказий Комитет II-пленуми XXII съездининг яна битта мажлисини ўтказиш ҳўқуқи тўғрисида қарорига асосланиб, иккинчи босқич алоҳида бўлиш керак деган қатъий қарорга келди. Унинг муҳокамасига фақат иккинчи масала — Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави тўғрисидаги масалаларни киритишга қарор қилди ҳамда мана шу ҳужжатларнинг асосий мазмунини белгилаб берди.

Фаоллар, жамиятшўнос олимлар, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари, Ўзбекистон Компартияси эга бўлган жамини маънавий потенциал тайёргарлик комиссияларига киритилди. Шу ҳужжатларни тайёрлашда кўпчилик активизми фаол қатнашди.

Энди ана шу ҳужжатларнинг асосий жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтишга иккунат бергайсиз.

II.

Энг аввало Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳаси тўғрисида. Нима учун бу ҳужжат янаш ҳўқуқига эга?

Амалда у нинанг бидиради?

Аввало шуни билдирадиги, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Компартияси анди шунчаки КПССнинг территориял ташкилоти бўлиб қола олмайд. Шу нуқта назардан биз аввал бошданок, ўзимизнинг Уставимизни тайёрлаш ва қабул қилишни Иттифокдош жумҳуриятлар Компартиялари мустақиллигини умумпартия концепциясини бевосита ривожлантириш, деб қарадик.

Вунинг устига ССЖИ Олий Кенгаши жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонуни қабул қилганлиги муносабати билан янги вазият вужудга келди. Мана шу ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай сиёсий партиянинг Устави маълумлиги унинг янаш ҳўқуқининг таъминлиги зарур шарт ҳисобланади. Устав партия чқни турмуши ва жамиятдаги фаолиятининг асосий принциплари ва нормаларини белгилаб беради.

(Давоми иккинчи бетда).

МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИГА МАЪРУЗАСИ

(Давом. Боши биринчи бетда).

Дарҳол аниқлик киритмоқчиман. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави КИСС Устаига қарши қандайдир бир нарсга деб билиш учун ҳеч қандай асослар йўқ.

Амалда иш берадиган ҳужжатни тайёрлаш биз учун асосий принцип бўлди. Бу ҳужжат КИСС XXVIII съездининг принципиал йўл-йўриқларига асосланган, шу билан бирга жумҳуриятнинг конкрет шартлари ва ўзига хос хусусиятларига таянади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг тақлиф қилинаётган Устави қандай асосий хусусиятларга эга?

Биринчида: юқоридида айтиб ўтилганидек, унда жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги концепцияси ривожлантирилди. Устав лойиҳасининг тегишли бўлимларида таърифлаб берилган бу қондалар КИСС Устаининг табиий қўшимчаси бўлди.

Иккинчида: бизнинг Устав жумҳуриятнинг ўзига хос хусусиятини, Ўзбекистон Компартияси иш олиб бораётган шартларнинг жиҳатларини мумкин қадар кўпроқ эътиборга олиши керак.

Булар жумҳуриятнинг Иттифоқ Федерациясидаги ўрни, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элларга ижтимоий адолатли, муносиб турмуш шартини, уларнинг маънавий янгилигини таъминлаш учун бир восита сифатида унинг сиёсий ва иқтисодий суверенитетини янги ҳаёт диди оғишга мос келадиган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятида бирон-бир синф, табақа ёки миллат вакиллари имтиёзлар йўқлиги тўғрисида қандайдир муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Компартия жумҳурият меҳнатқилларининг қандай миллат ва динга мансублигидан қатъий назар, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Жамиятда барча тараққиётлар учун барча ҳақиқатларда иш олиб борадиган, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи, меҳнатқилларнинг манфаатларини ифода этувчи ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли шерик бўлиб ҳамкорлик қилишга тайёр дегани катта сиёсий аҳамиятга эгадир.

Компартия ташкилотларининг ариядан кўпроги — кам сонли бўлиб, уларда 15 нафардан камроқ КИСС аъзоси борадиган ҳам Компартиянинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. **Бошланғич ташкилотлар тўғрисидаги бўлимда** жумҳурият Компартияси асосий бўлинининг сайлаб қўйилган органларини тузиш ва улар фаолияти принципларини тарғиб қилувчи нормаларни аниқроқ баён қилиш зарурлигини шу нарсга белгилаб берди.

Ўзбекистон Компартиясининг пул маблағлари ва мулк тўғрисидаги бўлимда худди шу жиҳатларни эътиборга олиб, шундай норматив воситалар тақлиф қилинганки, улар шаҳар ва район ташкилотларида, бошланғич партия ташкилотларининг марказлаштирилган фондларини тузиш йўли билан, партия аъзолари бадалларидан (вазосларидан) тушадиган маблағлардан жуда самарали фойдаланиш имконини берган бўлур эди.

Учинчидан, умумпартия Устаининг бир қанча қондалари ноаниқ муҳал ҳақидаги бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз кўпгина қондаларни анча равшан ва аниқ қилиб таърифлади.

Гап нима ҳақида борапти?
Съездининг биринчи босқичида ички партия демократиясини ривожлантириш, демократик централизм принципини аҳамиятга масалаларида Компартиянинг позициялари аниқ белгилаб олинган эди.

Жумҳурият коммунистлари партия Устаидан шу принципларни олиб ташлашга қарши чиқдилар. Улар шу принципларнинг бюрократик бўлишидан тазоваланиш, уни ташкил этган нормаларнинг йўқолишини билдирмайдиган, деб ҳисоблайдилар. Шунга мувофиқ, Устаининг лойиҳасининг ички партия демократияси тўғрисидаги бўлими партия сафларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустақиллаштириш зарур шарт бўлиши демократик централизм принципларининг ҳозирги тушунишга мазмун ва моҳиятини кўрсатиб берувчи қондалар билан қулайтирилди.

Турли нуқтадан назар билан ва жумҳурият партия ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, **партияга аъзоллик** билан боғлиқ Устав нормаларига аниқлик ва қўшимчалар киритилди.

Уларни амалга ошириш механизми нуқтадан назаридан қараганда, Устав лойиҳасида шаҳар ва район партия комитетларининг бюрократик партияга қабул қилиш тўғрисида, бошланғич партия ташкилотларининг қарорига далиллар асосида қўйилмаслиги ва уни такорорий қўриб чиқиш учун юбориш ҳақида айтилган ҳуқуқи жуда муҳимдир. Бу қондалар бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини камситмайдиган. Чунки бу ҳолда ҳам партияга аъзоллик билан боғлиқ масалаларни узиш-кесил ҳал қилиш ҳуқуқи уларнинг ихтиёрида қолади.

Илгари партия аъзоси бўлган ва Устав нормаларини бузганлиги учун партиядан чиқарилган ёки ундан ихтиёрий равишда чиқиб кетган кишиларни партияга қабул қилишнинг аввалги тартибни сақлаб қолдиш тақлиф қилинаётганлиги ҳам партия сафларини мустақиллашга қаратилган.

Коммунистлар бундай кишиларни партияга такорорий қабул қилиш ёндашишда анча қаттиқ ва принципиал бўлиб келган, деган нуқтадан назарга умуман қўйилмагандир. Республика Компартиясининг **ташқилий қурилиш** ҳақидаги бўлимининг бирламчи принципи КИСС Устаининг айнаш шу бўлимидаги каби, бошланғич партия ташкилотларининг аҳамиятини ва мустақиллигини оширишдан, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ваколатларини **партиянинг асосий сифатида** барқарор белгилаб қўйишдан иборатдир.

Шу билан бир қаторда, бу бўлим район ва шаҳар партия ташкилотларининг Компартиясининг таъин бўлинганлиги сифатида умумпартия Устаида учга яхши кўрсатилмаганлигини ҳисобга олиб, кенгроқ берилган.

Биринчи марта Қорақалпоғистон жумҳурияти партия ташкилотларининг мақоми белгиланган.

Коммунистларнинг Советлардаги ва бошқа сайлаб қўйилган жамоат ташкилотларидаги фаолиятини белгиловчи қондаларга ҳам бир қатор жиҳатларни ўзгартирилди. Бу ўзгартирилган Советлар билан муносабатларнинг аниқ, конкрет амалиётдан, коммунист депутатларнинг партия интизомига бўйсунуш, ўз сиёсий фаолиятларида тегишли партия съездлари, конференциялари, пленумларининг қарорларига амал қилишлари зарурлигидан келиб чиқади.

Тўртинчидан, биз ўз Устаинини КИСС Устаидан ўрин олган айрим янги позициялар билан тўлдирганимиз лозим топдик.

Ҳар бир коммунистнинг фаолиятига сиёсий ердан, унинг шанини ҳимоя қилиш имкониятини берадиган **партиянинг ҳамжиҳатлик принциплари** катта эътибор берилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида коммунизмга, коммунистларга қарши очикдан-очик ҳужумлар бўлаётганда бу тадбирлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда биз жумҳуриятимиз равақига меҳнат сингган кесак авлод — ветеранларимизнинг ёшлар тарбиясига қўшаётган катта ҳиссаларини алоҳида ҳурмат билан қайд қиламиз.

Улар республикамиз ҳаётида қанчалик оғир ва машаққатли воқеалар содир бўлмасин (айниқсиз сўғит йилларда) ҳамма жойда партия ташкилотларининг суянчиги, мададкори бўлиб келаяптилар.

Катта ҳаётий ва партиявий тажрибага эга бўлган ота-хонларимиз ва онахонларимиз хайри, савоби ишлар қилаётганлар.

Уларнинг йиллар давомида тўплаган тажрибаси, ақли-идроки, эътиқоди бизга бундан буюн ҳам жуда қимматлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, уларга съездининг номидан узоқ умр ва сўхат-саломатлик тиланга руҳсат бергасизлар.

Шу мақсадда коммунистларни соғлиғи ёмонлашгани ёки қарилган муносабати билан доимий ишдан ва аъзоллик бадаллари тўлашдан озод қилиш ҳақидаги бўлинлар ҳам тўлдирилди. Партия ташкилотларига бундай ҳолларда ўша коммунистлар билан алоқани ҳеч ҳам узмаслик тақлиф қилинади.

Ўзбекистон Компартияси **тафтиш органларининг** қурилиши ва фаолияти принципларини белгиловчи қондаларга ҳам қўшимчалар киритилди.

Уларнинг номи ҳам Устаиди кўрсатмаларга мос равишда тафтиш комиссиялари деб атасак яхшироқ бўлади. Съезддан сайлов-ҳисобот мажлислари даврида эса уларнинг номи **тафтиш-ревизион** комиссиялари деб белгиланган эди.



Яна бир муҳим масала.

Бизнинг фикримизча партиянинг дастурига ва Устаига ҳилоф иш олиб боровчи фракциялар ёки айрим бошланғич бўлинларни тутатиш ҳуқуқини партия комитетларига беришни ҳам Устаинида белгилаб қўйишимиз керак.

Ва ниҳоят Устаининг бир қатор қондаларига жамоат ташкилотлари ҳақидаги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан қўшимчалар киритилган.

Компартиянинг марказий органларининг жойлашиши, ўз фаолиятини тутатиш, КИСС мулкига умумпартиявий мулк сифатида шериклик қилиш ҳақидаги масалалар шулар жумласидандир.

Энди ўртоқлар, Ҳаракат дастури ҳақида гаплашиб олам. Бу ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш зарурлигини санолабдир нима?

Биринчидан: биз мавжуд шартдан келиб чиқамиз — КИССнинг янги программаси йўқ ва уни яратиш жуда ҳам қийин бўлади. Биз кутиб тура оламизки, Бизни ҳаётнинг ўзи тезлаштирипти. Вақт ўтиб кетгач ҳеч қандай программанинг кераги ҳам бўлмай қолши мумкин.

XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» деб номланган программаси жамиятимизнинг ҳозирги аҳволига факат умумий баҳолашнинг беради ва партия фаолиятининг ҳам факат умумий ва асосий йўналишларини белгилайди.

Бу умумий фикрларга жон киритиш, «ёғини ерга теккизиш» учун энг асосий вазифаларни белгилаб олиш керак.

Иккинчидан: КИСС программаси қанчалик яхши бўлмасин, унинг ҳар бир республикадаги конкрет ижтимоий-иқтисодий шартларини, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслигини биллиб қўйиш керак. Ахир жумҳурият Компартиялари худди ана шу «ўзига хос» шарт-шароитларда ишлайди.

Учинчидан: юқоридида фикримизнинг давомиди — энди мустақил Компартия сифатида бизнинг ўз халқимиз олдидаги жавобгарлигимиз яна ҳам кучаяди. Кўптартиятлилик шартинида эса, ўз сафаримизга одамларни кўпроқ тортиш учун ҳам **ўз дастуриимизга эга бўлмасдан** иложимиз йўқ.

Бошқача қилиб айтганда, коммунистлар ўзларининг етакчи куч эканлигини чўқур ҳис қилиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилишни ўз бўлиниларига олар экан, жумҳуриятимизда яшаш турган ҳар бир киши улардан аниқ дастур талаб қилишга ҳақлидир. Дастур аниқ бўлса, долзарб муаммоларга жавоблар ҳам аниқ бўлади.

Тўртинчидан: биз ўз мақсадларимизни ва вазифаларимизни энг аввало жумҳуриятимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, тарихий, демографик жараёнларни ҳисобга олиб белгилашимиз керак. Республика босиб ўтган йўлни атрофлича, танқидий нуқтадан назардан таҳлил қилиб олишимиз зарур.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жиҳатидан бугунги кунда ҳам бошқа минтақаларга қараганда анча орқадамыз. Биз бу ҳақиқатга тан бериб, **бу аҳволнинг илдишларини топишимиз зарур.**

Бешинчидан: биз ўрта Осиёда яшамиз. Бу ерда ўзига хос тарихий ривожланиш туфайли маълум муаммо ва қарама-қаршиликлар чигал бир тугундай бўлиб кетган.

Ижтимоий-сиёсий кучлар ҳам бошқа минтақаларга қараганда ўзгача ўрин ва мавқега эга. Бу шартлар билан ҳисоблашмай бўлмайди.

Биз сиёсий кураш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларга йўл қўймаслигимиз, одамлар орасида ҳамжиҳатлигини, жамиятда оқсоишталлигини, миллатлараро биродарлигини таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида дин таъсир даражаси аҳамият касб этляпти. Бу жараёнда бир томонлама ёндашиб бўлмайди.

Динга, диндорларга бўлган муносабатимизни қайта қўриб чиқиш, уни ўзгартириш, масалаларни янги ёндашиш, турли эътиқоддаги одамлар билан мулоқот қилишни янги йўллари топишни тақозо этади.

Айниқса жамиятнинг маънавий жиҳатдан соғломлаштириш, меҳр-оқибатни ўз ўрнига қўйиш, одамлар орасида ҳамжиҳатлигини таъминлашда бу масала нўҳоятда ҳушерлик талаб қилади.

Шу билан бир қаторда биз одамларнинг динга бўлган эътиқодидан жамиятга қарши, давлатга қарши фойдаланиш ҳаракатларини қаттиқ қоралаймиз.

Олтинчидан: жумҳуриятимиз ўзига хос ҳаёт тарзига эга. Бизда кўп бўлиб одамларнинг сони бошқа минтақаларга нисбатан анча кўп.

Шунинг учун бизда аҳолининг кўп қисmini болалар ва ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий муаммолари ҳам шунга яраша кўпдир.

Ана шу сабабларга кўра бизнинг Дастуриимизда оила масаласи, келажакимиз масаласи алоҳида жой олиши керак.

Дастуриимизнинг яна бир алоҳида мавзуси **хотин-қизлар** ҳаёти. Агар биз уларни бугунги оғир меҳнатдан озод қилиб, болаларига, уй-рўзгорига, ўзига қарашга кўпроқ имконият яратиб берсак — айна мударо бўлади.

Бу баландпарвоз гаплар эмас, ўртоқлар, бу бизнинг — амалий мақсадимиздир.

Маънавларни қўлайтириш ҳисобига келажакда хотин-қизларнинг, айниқса оналарнинг иш кунини қисқартириш, қисқартirilган иш ҳафтаси, болаларга қараш учун қўшимча вақт жорий қилиш, қишлоқ жойларда эса хотин-қизларни қонундан дам олиш кунин билан таъминлаш масалалари шулар жумласидандир.

Бу муаммони, дам олиш кунини муаммонини ҳал қилиш қишлоқ ҳўжалигида қанча мушкул эканлигини яхши тушунамиз. Лекин мана шу залда ўтирган эркаклардан биронтаси ўз оинасининг, умр йўлдошининг, ораси ё синглисининг, қизининг ҳафтада тўнчи бир кунини рўзгор учун, ўзи учун, болалари учун, сиз билан бизнинг роҳатимиз, (уни ҳам унутмаслик керак) яъни тинч-тўкин хонадон учун сарфлашга қаршилик қиладими? Йўқ, албатта. Керак бўлса, уларнинг ўрнига ўша кун даладами, фермадами ишлаб беришга ишончим қонил.

Ёшлар муаммоларига тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда биз уларга ҳамма соҳада — ўқимши, меҳнат, маъний хизматми — худлас ҳамма жойда баравар имкониятлар яратимиз ва уларнинг ижтимоий муҳофазасига қаролат беришимиз лозим.

Сўнгги йилларда иқтисодий жиҳатдан ўзиб кетган айрим мамлакатлар ҳаётини таҳлил қилсангиз бир нарсга аён бўлади: улар бу муваффақиятларга ёшларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор билан қараган, уларни энг нуфузли билим юртиларда, шу жумладан чет элларда

ўқитган, энг керакли, замонавий касб ва мутахассислик берганлиги туфайли эришган.

Бу тажрибадан биз ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Жумҳуриятимиз келажига ҳақида ўйласак, халқимизнинг энг потенциаллини (куватини) кўтаришимиз лозим. Ёш, юқори маънавли кадрлар тайёрлаш системасини яратимиз шарт.

Муҳокама қилинаётган Ҳаракат дастуриимизда энг катта ўрин эгаллаган муаммолардан бири — жумҳуриятимизда яшашдан ҳар бир инсонга фаровон яшаш учун шарт-шароитларни тўлдириб бериш, халқимизнинг маънавий қашлоқидан чиқариш, камол топтиришдир.

Ҳаммамиз, шу залда ўтирганлар бир фикрга қўшилиш: фарзандларимиз, келажак авлод сиз билан биздан яхши яшаш керак. Бунинг учун уларни маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд этиш лозим. Уларни атроф-муҳитини соғлом қилиш шарт.

Биз ўз дастуриимизни ишлаб чиқишда суянган, кўзда тутган асосий йўналишлар ана шулардан иборат, ўртоқлар.

Дастурда бу муҳим вазифаларни амалга оширишнинг амалий йўллари ҳам ўз аксини топан.

хитнинг, Орол фожиясининг салбий таъсиридан асраб қолтириш керак.

Ешларимиз жаҳон фани ва маданиятининг энг юксак чўққиларини эгаллаш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

Охиринчи, ўртоқлар: ҳар қайси инсон учун инсон манфаати учун қаратилган мана шу чора-тадбирларни, мақсадларни ҳаётга таъбиқ қилишда барча коммунистлар ўз принципларида қаттиқ туриш зарур.

Бунга ўртоқлар ҳеч қимда, ҳеч қанақа шак-шубҳа бўлмаслиги керак.

Биз ўз дастуриимизни ишлаб чиқишда суянган, кўзда тутган асосий йўналишлар ана шулардан иборат, ўртоқлар.

Дастурда бу муҳим вазифаларни амалга оширишнинг амалий йўллари ҳам ўз аксини топан.

III.

Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури муҳокама қилиш учун съезд кун тартибига киритилишидан олдин жумҳурият партия ташкилотларида, матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Марказий Комитетга, таъриғларик комиссияларга, маҳаллий партия комитетларига, матбуот органларига Устав лойиҳаси бўйича 2 мингдан ортиқ тақлиф тушди, жумҳурият коммунистлари дан Ҳаракат дастури бўйича ҳам деярли шунча тақлиф олинди.

Барча фойдали тақлифлар, аниқлик киритишлар, мулоҳазалар таъриғларик комиссиялари томонидан ўрганилиди, Марказий Комитет пленумида кўриб чиқилди. Кўп фикр-мулоҳазалар комиссияларнинг съезд делегатларига тарқатилган тақлифларда инобатга олинди. Яна кўпгина тақлифлар бўйича бугун биз маҳаллаҳаллаш олишимиз керак. Шулардан айримларига тўхтаб ўтишга руҳсат бергасиз.

Аввало, Ҳаракат дастури бўйича.

Ўйлаيمانки, коммунистлар бизнинг диққат-эътиборимизни дастурий ҳужжатининг биринчи жумладаридан бошлаб, Компартиянинг асосий мақсади инсон учун қайғуриш эканлига тўғри жалб қилмақдир. Жумҳурият коммунистлари ўз фаолиятларининг асл мақсади деб шундай шарт-шароитларни яратишни тушунадиган, унда ҳар бир оила, ҳар бир меҳнатқил фаровон, тинч-хотиржам яшай оладиган бўлиши.

Ҳаракат дастурида айтилган шу нарсга диққатга сазоворки, уни коммунистлар Совет ҳокимияти органларига тақдим этилган ўзларининг сиёсий тақлифлари деб қарамоқдалар. Бу тақлифлар ижтимоий-иқтисодий ва миллий-маданий сиёсатни давлат миқёсида устун даражада шакллантиришга қаратилган.

Марказий Комитет ўзига тушган мулоҳазалар муносабати билан партиянинг халқ депутатлари Кенгашлари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ўзаро алоқаларнинг қондаларига доир, ёшларга оид сиёсат, хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволига тегишли масалалар бўйича бир қатор аниқликлар киритишни сиёсатнинг эътиборини қозғола қилади.

Ҳарчи Ҳаракат дастури билан бевосита алоқаси бўлмасда, партия комитетлари биринчи котиблари ва тегишли халқ депутатлари Кенгашлари раислари лавозимларини бирга қўйиш мақсада мувофиқлиги хусусида ҳам кўпгина мулоҳазалар айтилди.

Бу борада нима дейиш мумкин?

Шароит имкон берган жойларда биринчи котибларнинг маҳаллий Кенгашларининг раислари эътиб саяланиш сиёсий йўналишда умуман ўзини оқлади. Шу билан ўттиш босқичида ҳокимиятин амалда Советларга топириши воситаси яратилди, бунда партия идораларининг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятга сиёсий таъсири ва назорати сақланиб қолади.

Ҳар қандай босқичда ўзига хос, ўзига мос шароитлар ва ёндашиш пайдо бўлиши табиийдир.

Ўйлаيمانки, ҳозирча бу масалаларда ягона йўл тутиб бўлмайди. Қолгавсра, бундай ҳодисаларни суғий равишда тезлатиш ёки пайсалга солиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир муайян ҳолда масала қарор топан сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ҳал этилгани маъқул.

Энди эса Устав бўйича тушган тақлифлар ҳақида.

Марказий Комитет пленуми бошланғич партия ташкилотлари тўғрисидаги бўлимин кучайтиришга доир тақлифларга қўйилди. Шу муносабат билан Марказиум бўлим «Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартиясининг асоси ҳисобланади» деган аниқ ибора билан бошланган деган тақлиф киритди.

Бошқа бир қатор аниқликлар ҳам киритиш тақлиф қилинади, уларнинг асосий мақсади Компартиянинг асосий негизларининг ўз структураларини белгилашда, ўз ички ҳаёти ва фаолиятини бошқаришда мустақилликларини кенгайтиришдир.

Узиниғизга маълумки, эълон қилинган лойиҳада бошланғич ташкилотларнинг молиявий фаолиятини бошқарувчи Устав нормаларининг иккита вариант тасвия қилинган эди. Фикримча, ноҳия ва шаҳар ташкилотларининг марказлаштирилган маблағларини шакллантириш воситасини янада аниқроқ белгилаб берувчи, иккинчи лойиҳа тарафдорлари бўлиши коммунистлар фикрига қўйишимиз керак. Бу маблағлар кам сонли партия ташкилотлари учун ўзига хос ердан жамғарилганга айланган.

Кўпчилик коммунистлар ҳақоний равишда қайт эътибор билан, Компартиянинг тақлиф қилиниши бўлимининг айрим моддалари партия ички демократияси бўлимига киритилган моддаларни муайян даражада такорралади. Шунга биноан тегишли қисқартириш лойиҳага киритилган.

Бир қанча тақлифлар Марказий Комитет томонидан қабул этилмади. Энг аввало бу КИСС Устаига хос бўлган айрим жиҳатли қарашларни сақлаб қоллишга қаратилган нотаиям ва ноаниқ жумладарга тааллуқлидир.

Бошқа минтақалардан келувчи партия аъзоларини ҳисобга олишда уларга Ўзбекистон Компартиясининг дастурий ва норматив ҳужжатларини тан олиш мажбуриятини юклаган қаратилган қўшимча шартлар қўйилган тақлифларга ҳам қўйиш лўймасди.

Устав лойиҳасининг VIII боби кўп баҳслар келтириб чиқарди.

Ҳатто лойиҳа муаллифлари тарқатиб юборувчиликда айланди. Ўйлаيمانки, бу масалаларга тўла аниқлик киритиш лозим.

Гап шундаки, жамоат биришмалари ҳақида қабул қилинган Қонун уларнинг Устав ҳужжатларига ўз фаолиятларини тўхтатишга доир Низомни тақдим этишни мажбур тарзда талаб қилади.

Агар бордини, Компартия Конституция ва Совет қонунлари доирасида ҳаракат қилади десак, унда норматив



ТОЖИБОЙ БҮРНИЕВНИНГ МАШИНАСИ

АСЛИ КАСБИ КИБЕРНЕТИК БҮЛГАН БУ ОЛИМ БИР НЕЧА
ЙИЛДАН БУЕН ПАХТАКОР МЕХНАТИНИ ЕНГИЛЛАТИШ
УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида Ўрта Чирчиқ районидagi Ким Пен Ха номли жамоа ҳўжалиги далаларида тўкилган ҳосилни тирадан янги машина синиб кўриди. Иш жараёни кузатган вилот ҳўжаликлрининг раҳбарлари ва мутахассислари унга юқори баҳо бердилар.

Янги агрегат ўзининг ўтмишдошларидан кескин фарқ қилади: қўрилмаси содда, ишлатиш қулай, меҳнат унумдорлиги эса юқори (200 нафар теримчи эи яни бажа-ра олади). Ун нафақат учинчи, ҳатто иккинчи машина теримидан сўнг пайкалга кириши мўмкин.

Мазкур итхиронинг муаллифи — Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, «Кибнетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қўрилмалар лойиҳалари туркумини автоматлаштириш лабораториясининг мудири Тожибой Бўриев.

Машинани яратишда олимга лойиҳалаш бўйича ортиртган кўп йиллик тажрибаси кўл келди. У ҳаёлида тутилган ниятини дастлаб ЭХМ ёрдамида таҳминан шакллантириб олди. Аэродинамика вазифаларини қўлла-ниш палласи келганда эса туни бўйи мунка тушиб китоб арақлади. Ниҳоят, мосла-мининг тўкилган пахтани сў-рувичи нои қувватини наза-рий жиҳатдан оширишга

эришди. Бунда тола ва чигит оз миқдордагина шикаст-ланади, холос.

Бироқ мақсадни рўёбга чиқариш учун қозғоғдаги ҳи-сооб-китобини ўзи камлик қиларди. Шу боис у ташаб-бускор, кўнгилли ёрдамчи-лар — механиклар ва ме-ханизаторларни қидириб топди. Ким Пен Ха номли жамоа ҳўжалигининг устаконасида эса умрини яшаб бўлган вен-тилятор, редуктор, гиндирак ва бошқа эҳтиёт қисмлардан ўзининг биринчи машинасини йиғди.

Жорий йилда муаллиф ат-регратни янада такомиллашти-риш, унинг янги мабул нус-хасини яратишга аҳд этди. Бунинг учун у ишдан бўш



пайтларида, дам олиш ва байрам кунларида астойдил тер тўкди.

Лекин янги машинани иш-лаб чиқаришга тезроқ жо-рий этиш йўлида маффақдор идораларнинг тўраларга му-носабати тўқиллик қилмоқ-да. Наҳотки, Тожибой Бўри-ев ўзининг билими, тажриба-си, муҳими — қимматли вақ-тин бехудга сарфлаётган бў-лса?

Шунга қарамадан, у ҳа-мон маслақдошларини изла-моқда. Паркент районидagi «Ленинобод» давлат ҳўжа-лигида тўкилган ҳосилни са-раниқомлайдиган машиналар ишлаб чиқариладиган қичиқ қорхона барпо этилган. Мева ва узумни аэродинамика ку-рилмаси ёрдамида қўригиди-ган ишланмасини жорий қи-лаётир.

Ҳақиқий деҳқон фарзанди, кибернетик олим Тожибой Бўриев пахтакорлар, боғбон ва соҳибкорлар меҳнати на-қадар машаққатли эканлиги-ни жуда яхши билади. Бу жараёни илжои борица эн-гиллаштириш йўлида у баҳо-ли қудрат фаолият кўрсат-моқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Тожибой Бўриев вилот ҳўжалик-лари раҳбарларига ўзининг янги машинаси ҳақида сўз-лаб бермоқда. 2. Ўзбе-кистон Фанлар академияси-нинг мухбир аъзоси, «Киб-нетика» илмий-ишлаб чи-қариш бирлашмаси қўрилмалар лойиҳалари туркумини ав-томатлаштириш лаборатория-си мудири Тожибой Бўриев ва мазкур бирлашманинг катта илмий ходими, физи-ка-риёизёт фанлари номзо-ди Исрои Каримов.

Р. ШАҒАЕВ
олган суратлар.
(ЎТАҒ).

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

**«ТЕЖАДИНГИ —
УЛУШИНГИ ОЛ»**

— Тежаддин Ёниги — ёр-дамда йил бошидан буюн элликта юк поездини ман-зилга етказган Термиз ло-комотив депонининг брига-дарига шу қондага амал қи-лоб, тежаб қилинган мой на-рхининг 60 фоизига теж ма-благ тулди.

Ёнигининг тежадиги — бу ерда ташкил этилган ло-комотив бригадаларини тех-ники ўқитиш натижасидир. Мунтазам ўтказиб турилади-ган машғулотларда маши-нистар ўлаб тонна ёниги-ни тежаб қолган илгор темирўйчиларнинг тажри-баларини ўрганишди.

**ТАҚЧИЛЛИК
БАРТАРАК
БҮЛАДИ**

Намангандаги «Электро-стройдеталь» ёрдамчи-иш-лаб чиқариш корхонасининг жамоаси тақчил ҳисобланув-чи ҳалқ истеъмоли моллари-нинг бир қанча турларига бўлган талабни қондиришни ўз зиммасига олди. Бу ерда сув иситиладиган «титан»-лар, ёғочга ишлов берувчи энг оддий дастхоналар, ис-тиҳ қозонларини ишлаб чи-қариш ўзлаштирилди.

Яқинда бозор муносабат-ларига ўтишли жамоани янги фойдаланиш ишлаб чи-қаришлари фаол излашга ҳамда жорий этишга унда-ди. Бунинг устига бу ерда қорхонанинг асосий махсу-лот — симёғочлар ишлаб чи-қариш ҳажми қисқарти-рилди. Ҳалқ истеъмоли мол-ларини тайёрлаш аҳлигина ёрдам бўлапти. Бу иш бў-шаб қолган қувватларни бе-кор қолдирамаслик имконини бермоқда.

Корхона жамоаси ҳалқ учун мўлалланган моллар ишлаб чиқариш ҳажминини йил охиригача бир миллион сўмликка етказиш, келаси йили эса бундай махсулот тайёрлашни икки баравар кўпайтириш ниятидадир.

**АЛОҚАЛАР МУС-
ТАҲАМЛАНМОҚДА**

Бухоро йили Чорқўй ўр-тасида иқтисодий ва мада-ний ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

— Эндиликда шаҳарлари-миз меҳнатлашларининг ях-ши аънавлари иқтисодиёт-да ҳам, маданият соҳаси-да ҳам янада ривожланиш до-лим. — дейди Бухоро ша-

ҳар кенгашининг раиси К. Махмудов. — Биз тур-мушининг турли соҳаларида ҳамкорлик қилмоқчимиз. Ху-сусан, илгор тажриба, ил-гор технологияларни ўзлаш-тириш тўғрисида мунтазам равишда ахборот алмашиш тура-миз.

ХИВА ЧИННИСИ

Жумҳурият Маҳаллий са-иоат вазирлиги Хива бадий-сопол буюмлар заводи ҳў-зуридаги чинни ҳеҳида кўркам чойнақлар, пйеллар, ёдрор-лик буюмларини ишлаб чи-қарила бошланди.

Корхона замонавий тех-ника ва чинни идишлар иш-лаб чиқариш илгор техноло-гияси билан жиҳозланган. Машина-ускуналарнинг бир қисмини бу ерга Фарбий Еуро-па мамлакатлари фирма-лари етказиб берди. Буюм-ларни пишириш печаларини ленинградликлар юборишди.

Улка чех корпорациясининг конструкцисни ҳам одадан ташқари қўришга эга. Унинг умумий фойдал-майдои икки минг квадрат метрни ташкил этади. Бар-ча ишлаб чиқариш участка-лари, тайёр махсулот сан-ладиган омборлар, бош-қарув хизматлари шу ерда жойлашган.

Цехия «Узместрой» трестининг Ўргачданга ту-затиш-қурилиш бошқармаси жамоаси қурди. Бу ерда қувватлар тўла ўзлашти-рилиш билан йилига бир миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади.

Цехия «Узместрой» трестининг Ўргачданга ту-затиш-қурилиш бошқармаси жамоаси қурди. Бу ерда қувватлар тўла ўзлашти-рилиш билан йилига бир миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади.

Цехия «Узместрой» трестининг Ўргачданга ту-затиш-қурилиш бошқармаси жамоаси қурди. Бу ерда қувватлар тўла ўзлашти-рилиш билан йилига бир миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади.

Цехия «Узместрой» трестининг Ўргачданга ту-затиш-қурилиш бошқармаси жамоаси қурди. Бу ерда қувватлар тўла ўзлашти-рилиш билан йилига бир миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади.

ИЖРАТА ИМКОНИЯТИ

Сарбисё шағал-саралаш заводида йиллик режа му-ддатидан олдин бақарилиди. Жумҳуриятнинг турли ми-тақаларидаги истеъмолчи-ларга уч юз минг куб метр-дан кўпроқ инерт материал-лар жўнатилади. Ижарага ўтишли муваффақиятнинг асосий гарови бўлди.

Завод ишчилари муста-қиллашга эга бўлган, ишга кўпроқ масъулият билан муносабатда бўла бошладилар, меҳнат унумдорлиги ошди. Шу билан бирга иш ҳақи ҳам ошди — бир ойлик ўртача қўшимча ҳақ 40 сўмни ташкил этди. Янги техника сотиб олиш учун ҳам маблаг пайдо бўлди.

Хўйр бу ерда янги кури-лиш жойи, иқтисодий-мада-ний-маиший объектлар қу-рилмоқда.

— Ижара имкониятлари-мизнинг ўзига ҳо синови бўлди. — дейди завод ди-ректори Х. Ҳасанов. — Ҳо-зир биз қорхонани сотиб олдиш, уни жамоа мулкига айлантириш тўғрисидаги ма-салами ўртага қўймоқдамиз. (ЎТАҒ).

● ФРУНЗЕ. Қирғизистон-нинг Калинин районидagi «Коммунизм сар» жамоа ҳўжалигининг бошқаруви деҳқонларини қийинлашти-раётган бозор стихисига руҳан тайёрлашга қарор қилди: бошқарув у ёки бу хизматларнинг бевосита ва-зифаси бўлган хизматлар учун тўлов жорий этди. Чу-нончи, илгари деҳқонларнинг меҳнат дафтарчалари ҳўж-жахонада беул сақланарди. Энди эса йилига беш сўм тўлаш қатъий белгилан-қилди. Пенсияга чиқилган-лар пайтда ҳўжжахонадан маълумотлар олиб ёзиб бе-риш учун ҳам шунча пул талаб қилинапти. Ҳолбуки бу кадрлар бўлими ҳодим-ларининг хизмат вазифа-ларига қиради. Жамоа ҳўжа-лигининг аъзоси уй сотиб олганлик ёни сотганилик тў-

рисидаги ҳўжжаларни рас-мийлаштириш учун яна ўз-ҳамёндидан беш сўм тўлаш керак бўлади. Жамоа ҳўжа-лигида аъзо бўлмаган одам-лардан эса янги шу иш учун 42 сўм олинади. Лекин ҳў-жаликдаги «ислохот»ларнинг энг аjoyиб қисми уй-йўл-ларни ҳўсуеялаштириш дасту-ридир: жамоа ҳўжалигида қарашли уйларни шахсий мулк сифатида сотиб олиш-дан бош тортилган учун ижара ҳақи оширилди.

● БЕЛГОРОД. Оскол электр металлургия комбинати бу-нда бўён фақат юқори си-фатли пўлат эмас, шу билан бирга тақчил бинокорлик материаллари ҳам етказиб берадиган қорхонага айлан-моқда. Бу ерда қўшим сифа-ти ишлатиладиган сопол гиштлар ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. За-водда йилига 75 миллион до-на гишт ишлаб чиқарилади.

САЛОМАТЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Тўртқўлда Қорақалпоғис-тон мухтор жумҳурияти-нинг район ва шаҳарлари-даги саломатлик марказла-ри, санитария-эпидемиоло-гия станциялари беш врачлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Ўрозали Исмоилов ва Азиз Отаниёзов бошчилигида рай-

он марказий шифохонаси ҳамда саломатлик маркази, қишлоқ врачли амбулатори-ялари, фельдшерлик-аку-шерлик пунктларининг иш фаолияти билан қийиндан та-нишилди.

Кенгаш ниҳонсида тажри-бали шифокорлар А. Ота-ниёзов, КПСС XXVII съез-ди делегати Г. Ҳўжаниё-ва, О. Нурниёзов, А. Олло-берганов, О. Қўлиев, С. Тў-раева, Г. Исмонова ва бош-қалар сўзга чиқиб, табобат соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда камчилик-лар тўғрисида фикр алмаш-дилар.

М. АҲМАД

МАШИРИҚДАН МАҒРИБГАЧА

МОСКВА. Омиравий тар-тибсизликларга қарши ку-раш — ҳўкукушуносларнинг ССЖ Ички ишлар вазир-лиги академиясида очилган Бутуниттифок илмий-ама-лий конференциясининг асо-сий мавзуси бўлди. Конфе-ренция иштирокчилари ке-йинги вақтларда юз бераёт-ган воқеалар омиравий тар-тибсизликларга кечтирилмай барҳам беришини янги таъ-сирчан шакллари ва усулла-рини излашга мажбур қи-лаётганини таъкидлади.

● ФРУНЗЕ. Қирғизистон-нинг Калинин районидagi «Коммунизм сар» жамоа ҳўжалигининг бошқаруви деҳқонларини қийинлашти-раётган бозор стихисига руҳан тайёрлашга қарор қилди: бошқарув у ёки бу хизматларнинг бевосита ва-зифаси бўлган хизматлар учун тўлов жорий этди. Чу-нончи, илгари деҳқонларнинг меҳнат дафтарчалари ҳўж-жахонада беул сақланарди. Энди эса йилига беш сўм тўлаш қатъий белгилан-қилди. Пенсияга чиқилган-лар пайтда ҳўжжахонадан маълумотлар олиб ёзиб бе-риш учун ҳам шунча пул талаб қилинапти. Ҳолбуки бу кадрлар бўлими ҳодим-ларининг хизмат вазифа-ларига қиради. Жамоа ҳўжа-лигининг аъзоси уй сотиб олганлик ёни сотганилик тў-

рисидаги ҳўжжаларни рас-мийлаштириш учун яна ўз-ҳамёндидан беш сўм тўлаш керак бўлади. Жамоа ҳўжа-лигида аъзо бўлмаган одам-лардан эса янги шу иш учун 42 сўм олинади. Лекин ҳў-жаликдаги «ислохот»ларнинг энг аjoyиб қисми уй-йўл-ларни ҳўсуеялаштириш дасту-ридир: жамоа ҳўжалигида қарашли уйларни шахсий мулк сифатида сотиб олиш-дан бош тортилган учун ижара ҳақи оширилди.

● БЕЛГОРОД. Оскол электр металлургия комбинати бу-нда бўён фақат юқори си-фатли пўлат эмас, шу билан бирга тақчил бинокорлик материаллари ҳам етказиб берадиган қорхонага айлан-моқда. Бу ерда қўшим сифа-ти ишлатиладиган сопол гиштлар ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. За-водда йилига 75 миллион до-на гишт ишлаб чиқарилади.

● ЧОРҚҶ. Туркменис-тоннинг Халла районидagi «Лебан» жамоа ҳўжалигида озиқ-овқат тайёрловчилар, қандолатпазалар, шифокорлар кенг фойдаланадиган кун-жуз мойи ишлаб чиқарила бошланди. Бу ерда кўнжуз мойи ишлаб чиқарувчи жу-воз ишга туширилди. Аму-дарё водийсида эллигинчи йиллар охиригача, барча ер-ларни пахта эгалаб олгунчи-га қадар кунжуз жуда кўп ўстирилди. Икки-уч йил муқаддам қимматбаҳо экин даладарда яна бўй чўдаи, келажанда эса кунжуз эки-ладиган майдонлар кенгай-тирилди.

Яхшидан ном қолади...

ЗАМИН ФАРЗАНДИ

Отаси ҳамиша бир гапни тақрорларди: «Шаҳарга кет-санг — ҳўлингга вой. Агар қурилишда ёки заводда иш-ласанг, яхши-я, аммо ёмон тўдага тушиб қолсанг, хиз-маткор-югурдак бўласан. Шунда ҳаммаси тамом, деб ҳисоблайвер. Тексин ошни ҳа-миша еявермайсан. Ер эса алдамайди. У ҳеч кимга ва ҳеч қачон хиёнат қилмаган».

Зокиржон отасининг на-сиҳатларини итоткорона қу-логига оларди. Падари бекор айтмайдди. Умр бўйи ерда тер тўкиб деҳқон меҳнатининг машаққатини ва керакли-наб эканлигини тушуниб ол-ган. Аввал бойнинг қўлида ишлади, бир таноб ерга эга бўлишни орау қилди. Кейин-чалик қолхўлар тузила бош-лаганда Муса чоракор ар-тегга кирди. Меҳнатсевар-лиги ва тўғрилги учун одам-лар орасида ҳўрмат қозонди.

Шундай бўлса-да, Зокир-жон шаҳарга отланди. Бироқ узоқ муддатга эмас, 8-синф-ни тамомлаб, Қўқонга кет-ди. 5-қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш билим юр-тига кирди. Йигит сидқидил ўқиб, биринчи класс трак-торчи гувоҳномасини олди. 1959 йили қадрдон даласида дастлаб ер ҳайдаганида 16 яшар эди. Ишлаб қўлдо, ке-чки мактабда ўқини давом эттирди. Отасидagi ерга бўл-ган меҳр унга ҳам ўтди. Эгалаган мутахассислиги ҳам қўнгилига маъқул тушди. Тез орада Қўвадиги Калинин номли жамоа ҳўжалигининг энг яхши механизаторлари-дан бири бўлиб танлиди. Бу касба у ўзининг қарийб чо-рак асрлик умрини бағишла-ди. Шу давр ичида ерининг тузиллигини, пахта, макка-жўхори, беда ва бошқа экин-лар майдонларининг тарки-бини, агротехикасини ўр-ганди. Жумладан, техника-нинг сир-синоатини ўзлаш-тирди.

Бундан 9 йил муқаддам 16-бригада деҳқонлари Зо-киржон Мусаевни етаткин этиб сайлашди. Улар хато қилишмагач эди. Шу давр ичида сурункасига, ҳатто об-ҳаво шароити оғир келган кезларда ҳам пахта тайёрлаш режалари ортиги билан ба-жарилди. Масалан, 1985 йили ҳосил, йиғиб олишда район бўйича учинчи, сак-сон еттинчи йили эса бирин-чи бўлишди. Қолган йиллар-да ҳам асосан биринчи ўн-ликдан ўрин олишди.

Қўқамда заршунослар эл-лик тўққиз тектар майдонга

— Ҳозирча уч йилга. Ке-йин яна қўрамиз.

У кўринишдан соддадил бўлса-да, аслида деҳқончи-га режалар, ўзига ҳо ишти-лармон. Янги ишлари юри-шга кетса, келажанда ҳам шу далами ижарага олмоқчи. Нафис бўлмаса, нанилоқ. Уч йиллик муддат кўп эмас, сабр қилади. Аммо кўриб турибманки, ижаранинг фой-дали эканлиги биринчи йили-ёқ аён бўлди.

16-бригаданнинг дала ший-пони хонадонлардигдек фойдали. Бу ерда тартиб пун-дай: тушлик танаффус пай-тида дам олишга келишди, этиклар ечилиди, оёқларини совуқ сув билан чийишди, енгил шпаклар кийишди. Овқатдан сўнг телевизор ол-дида йиғилишди ёхуд ра-диоприйимни эшитишди. 30 сотих боғ бор. Томорқа ҳам. Қўда эса саримсоқ экишди. Товуқ боқилмапти, болалар учун тухум етарли.

Жамоа ҳўжалигида Зокир-жоннинг бешта укаси ҳам ишлайди. Қизи Эмидаҳон эса ўрта мактабни битиргач, ота-сининг ёрдамчилига келди. Катта қизин Лолаҳон ҳам жамоа ҳўжалигида меҳнат қи-лади.

Саксон саккиз яшар Муса ота Шерматов фарзандлари ва набиралари тақдирдан манжун. Улар бирга яшаб келмоқдалар. Зокиржоннинг бошқа фарзандлари ҳам бор: катта ўғли Илхомжон Мос-квда армия сафида хизмат қилмапти. Илхомжон эса олис ўлан-ўдада. Икбол тўққизин-чи синфда ўқийди. Иброҳим-жон 2-синф ўқувчиси. Рафи-қаси Майрамхон уй бекаси, аммо пахта терими бошлан-ганда хонасининг бўлиб ўти-ра олмайди: далага чиқади.

Зокиржон мукофотларини авайлаб сақлайди. Улар ора-сида «Беш йиллик зарбдор», «Социалистик мусобақа го-либи» нишонлари, район партия ва икроня қўмитала-рининг фахрий ёрлиқлари бор. Ўтган йили эса икки марта мукофотланди: «Меҳ-натда ўрнат қўрсатганлиги учун» медали ҳамда КПСС Марказий Қўмитаси ва ССЖ Вазирлар Кенгаши-нинг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Яқинда Зокир-жон Мусаевга «Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими» фахрий ўнволи берилди.

Хорманг, Зокиржон! Бўш келманг, азамат!

Б. ХОЛМАТОВ,
Г. БАҲМЕТОВ.

Қува районидagi Калинин номли жамоа ҳўжалиги.

тириш инсофизлик-ку.

Хайрият, ҳаммаси яхши-лик билан тугади. Ширкат тасаруфидagi 12 гектар майдон район йўл қурилиш-таъмирлаш бошқармасига олиб берилди. Бошқарма бу ердан ободончилик мақса-длари учун тош-шағал қазиб оладиган, ўрин унумдор ту-роқ билан тўлдириладиган, шундан кейингина экин эки-ладиган бўлди.

Уйламай қилинган иш — бошга келтирар ташвиш, деб шунга айтсалар керак-да!

Р. СОБИРОВ,

Тўшкент вилоти табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси матбуот маркази бошлиғи.

энг машҳурлари — «Исо-масих» ҳамда «Тавротда ай-тилган тропка» санамлари XVI аср Новгород мактаби-га мансуб.

● ТОДЛИҚҶРҶОН. Уч минг метр чўқурликда қазил-ган артезиан қудуддан чи-ққан иссиқ сувли фаввора ёнида Панфилов районидagi «Октябрь» қўйиллик давлат ҳўжалигининг шифохонаси қад кўтарди. Сув шифобахш бўлиб чиқди — қўла-оёқ, қон айланиш системаси, буйрак, ошқозон-ичак хасталиқлари-ни даволайди. Ҳўжалик бу-лоқ ёнида эллиқ ўринди балнеология шифохонасини қурди. Бу шифохонанинг барча хоналари ва давлат ҳўжалигининг тўртта тепли-циси қудуддан чиққан сув ёрдамида иситиладди.

● ШИМЛИК. Минерал сув ва балнч манбаларини қи-ямий моддаларни йиғиш билан қандай сақлаб қо-лиш, қай йўл билан узардан яхшироқ фойдаланиш мўм-кин? Палаганде бўлиб ўтган илмий конференцияда ана шу масалалар муҳокама қи-лишди. Конференция ишти-рокчиларининг фикрича, ми-нерал сув ва балнч манба-ларини муҳофизат этишнинг таъин ҳам қатъийроқ қон-даларини тасдиқлаш керак.

(ТАСС).

